

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИНИ СТАТИСТИК ТАХЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532523>

Ешмуратова Айнур Нуржан кизи

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МТХТ-01-1 гуруҳ талабаси

E-mail: ay_nurqizi@mail.ru

+998900266425

Аннотация: Шиддат билан ўсиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш учун қўлай имкониятлар ва шарт-шароитлар юза келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграциялашуви, мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон иқтисодиёти тажрибаларидан маълумки, туризм соҳаси мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади.

Калит сўзлар: туризм, экотуризм, логистика, аҳоли фаровонлиги, сمارт туризм, инфратузилма, сайёҳлар, туризм мақсадлари, аҳоли фаровонлиги, минтақа иқтисодиёти, ялпи ҳудудий маҳсулот.

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА И СОСТОЯНИЯ ЕГО РАЗВИТИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Ешмуратова Айнур Нуржан кизи

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МТХТ-01-1 гуруҳ талабаси

E-mail: ay_nurqizi@mail.ru

+998900266425

Аннотация: В условиях быстро развивающейся рыночной экономики в стране появляются возможности и возможности для развития типизма, большое значение в экономике страны имеет дальнейшая интеграция типизма в общественную экономику. Из истории мировой экономики известно, что сфера туризма служит обеспечению обмена валюты, необходимой для казны страны, созданию новых рабочих мест и повышению уровня жизни населения.

Ключевые слова: туризм, экотуризм, логистика, благосостояние населения, умный туризм, инфраструктура, туристы, цели туризма, благосостояние населения, региональная экономика, валовой региональный продукт.

STATISTICAL ANALYSIS OF INTERNATIONAL TOURISM AND ITS DEVELOPMENT STATE IN NEW UZBEKISTAN

Ешмуратова Айнур Нуржан кизи

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МТХТ-01-1 гуруҳ талабаси

E-mail: ay_nurqizi@mail.ru

+998900266425

Abstract: *In the context of the rapidly growing market economy, opportunities and opportunities for the development of tourism are emerging in the country, further integration of tourism into the public economy is of great importance in the country's economy. It is known from the history of the world economy that the tourism sector serves to provide currency exchange necessary for the country's treasury, to create new jobs and to raise the standard of living of the population.*

Key words: *tourism, ecotourism, logistics, population welfare, smart tourism, infrastructure, tourists, tourism goals, population welfare, regional economy, gross regional product.*

КИРИШ

Республикамиз халқаро туризм соҳасидаги имкониятларининг катталиги билан кўшни мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг географик ўрни, ниҳоятда қўлай, табиий иқлим шароитига эга эканлиги, инсоният маданий тараққиётида ҳам катта ўрин тутди. Ўзбекистон бетақроқ, ажойиб тарихий архитектура ёдгорликлари, ширин-шакар мевалари, хилма-хил миллий таомлари, ажойиб миллий анъаналари, урф-одатларига эга бўлган меҳмондўст халқига эга. Буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини ўзига тортади ва кишиларни лол қолдиради. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган сиёсий барқарорлик ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда кейинги йилларда замон талабига мос келувчи қурилиш иншоотлари, зиёратгоҳлар, маданий-маънавий дам олиш масканлари, вужудга келди. Охириги йилларда мамлакатимизда ўзбек миллий кураши, теннис ҳамда бошқа спорт турлари бўйича дунё миқёсида чемпионатлар ўтказилди. Бу тадбирлар эса кўпгина хорижий мамлакатлардан туристлар келишига олиб келди. Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида халқаро туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари давлат томонидан белгиланган бўлиб, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун турли битимлар, келишувлар амалга оширилган ва оширилмоқда.

Халқаро туризм статистика маълумотлар базаси ахборотларни йиғишнинг турли шаклларидадан фойдаланади. Статистик кузатувларни ҳисоботлар орқали ёки бевосита махсус текширувлар ўтказиш билан олиб борилади.

Ҳисоботлар орқали статистик кузатувлар. Бу ҳолатда статистик маълумотлар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқалардан белгиланган шакл ва муддатларда олинади. Улар бухгалтерлик ҳисоби ва оператив маълумотлар асосида ҳисоботлар тайёрлаб, буларни статистика органларига топширадилар. Худди шу ҳисоботлар туризм тўғрисидаги барча маълумотларни ўзида акс эттиради.

Туризмда махсус ташкил қилинадиган кузатувлар. Туристлик оқимлар ва харажатлар аниқ ҳисоби туризм статистикаси бош усуллари - чегарага ва жойлаштириш воситаларига келганларни қайд этиш, шунингдек банк усуллари махсус кузатувлар ташкил этиш билан биргаликда олиб борилганда ортади. Иммиграция хизмати томонидан тақдим этиладиган ҳисобот, туристларни қабул қилиш бўйича корхоналар, банклар ва валюта алмаштириш пунктлари ҳисоботлари асосий статистик ахборотлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Аммо оммавий-иқтисодий мураккаб ҳодисалар сингари у туризмнинг ҳамма томонларини қамраб олиш имкониятига эга эмас¹.

Адабиётлар шарҳи

XIX аср охирида Австрияда илк маротаба туризм соҳасида статистика кузатуви ўтказилган бўлиб, ундан аввалроқ Швейцарияда 1852 йилда туризм расмий статистикасини тузиш масаласи ўртага ташланган эди. XIX-XX асрларда биринчи маротаба хорижий мамлакатларда туризмга оид 21 га яқин мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилган, жумладан ўз илмий қарашларида туризмга оид статистикани кенг қўллаган Австриялик машхур, атоқли олим Р. Энгельманнинг илмий изланишларини намуна сифатида бунга яққол мисол қилиш мумкин. Туризмнинг миллий иқтисодиётдаги улуши тўғрисидаги ҳисоботларни ишлаб чиқиш, туризм соҳасида иқтисодий тадқиқотлар олиб бориш бўйича Австрия, Швейцария, Франция, Канада, Испания, Швеция, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари каби мамлакатлар етакчилик қилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Охирги 50 йил давомида туризм соҳасини тадқиқ этиш ишлари жадал ривожланмоқда, бироқ туризм иқтисодиётига оид муаммоларнинг олимлар томонидан ўрганилиши, иқтисодий фаолиятнинг бошқа соҳаларини ўрганишга нисбатан камроқ эканлигини кузатиш мумкин. Туризмни тадқиқ этиш бўйича энг муҳим илмий изланишлардан бири 1960 йил ўрталарида М. Клоусон и Дж. Клетчнинг

¹ Н.Хайдаров. Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси. Очик иқтисодиёт: соғлом рақобат, бизнес муҳити инвестицион муҳит жозибадорлиги / Халқаро амалий анжуман / ТДИУ

“Табиат кўйнида дам олиш иқтисодиёти” номи остида, 1970 йилда эса Х.П.Грэйнинг “Халқаро сайёҳлик ва “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил 2 www.iqtisodiyot.uz савдо ўртасидаги алоқадорлик” ҳақидаги китобларининг чоп этилганлигидир. Бу эса ўз навбатида, иқтисодчилар томонидан туризмни алоҳида иқтисодий фаолият тури сифатида ўрганишга бўлган қизиқишини уйғотди. 1995 йилда биринчи марта дунё миқёсида туризмнинг иқтисодий ва молиявий муаммолари ақс эттириладиган “Туризм иқтисодиёти” (Tourism Economics) номли илмий журнал чоп этила бошлади².

Тадқиқот методологияси

Статистик ҳисоботлар фирмаларида туристларнинг жўнаб кетиш кўрсаткичларига ҳам аҳамият берилмайди. Кўпинча тушиб қолдирилади. Аммо кўпчилик миллий туристик маъмуриятлар жўнаб кетиш-чиқиш туризми, статистикасини умуман юритмайдилар ва бу ҳақда ҳеч қандай маълумотларга эга эмас. Халқаро туризмга харажатлар катталиги бундай ҳолда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сафар ўртача харажатлари тегишли мамлакатлар гуруҳлари учун аҳолиси сонини ҳисоблаб чиқиш орқали аниқланади. Кейин эса маълум формула бўйича жўнаб кетишлар сонига ҳисоблаб чиқилади³.

$$D = T \left(\frac{T+D}{T} + 1 \right); \quad E = R \left(\frac{R+E}{R} - 1 \right);$$

Бу ерда: **D** – жаҳон транспорт ташишдан даромадлар. **T** – халқаро туризмдан даромадлар. **E** – халқаро транспортда ташиш харажатлари. **R** – халқаро туризмга харажатлар.

Таҳлил ва натижалар

Ҳисоб – китоблар кўрсатадики, статистик кузатувлар ташиш тўғрисида 80 % ахборот беради. Қолган 20 % баҳолаш йўли билан тўлдирилади. Ҳар бир мамлакат учун ва жунаб кетишлар, туристик ва транспорт даромадлари, харажатлари тўғрисида маълумотлар олинган, баҳолашнинг иккинчи босқичи – даромадлар ва харажатларни таққослаб кўриш бошланади.

Республикамизда туризм асосан марказлашган бошқарув усулида ривожлантирилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда туризм иқтисодиётининг бозор модели қўлланилади ва бунда кўпгина кўрсаткичлар давлат томонидан (солиқлар ва меъёрий ҳужжатлар ва нормативлар орқали) бошқарилиб турилади. Бозор иқтисодиёти шароитида туризм соҳасининг монетар бошқарув модели молиявий бошқаришга асосланади. Бундай бошқарув туристик

² Кабиров И.С. Статистический учет в туризме. Актуальные проблемы экономики и права., 2009., - № 3. – с. 45.


³ <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/10/12-y-Xalqaro-turizm.-Darslik-X.M.Mamatqulov-A.B.Bektemirov-va-bosh.-S-2007-.pdf>

маҳсулотнинг ўсишига олиб келади. Халқаро туризмнинг бундай тартибга солиниши ҳозирда Япония, Франция, Италия каби туризм ривожланган мамлакатларда йўлга қўйилган.

1-расм.

**Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан
келган чет эл фуқаролари**

(2023 йил январь-октябрь, минг киши)




Хорижий фуқароларнинг республикамизга энг кўп оқими куйидаги давлатлардан қайд этилди: Қозоғистондан – 1551,1 минг киши, Тожикистондан – 1448,0 минг киши, Қирғиз Республикасидан – 1356,9 минг киши, Россиядан – 567,6 минг киши, Туркиядан – 75,5 минг киши, Жанубий Кореядан – 20,0 минг киши, Германиядан – 17,7 минг киши, Ҳиндистондан – 16,8 минг киши, Беларус Республикасидан – 13,7 минг киши, АҚШдан – 13,2 минг киши, Исроилдан – 11,3 минг киши, Украинадан – 11,1 минг киши, Франциядан – 10,9 минг киши ва Буюк Британиядан – 10,4 минг киши. Қолган 108,6 минг киши Ўзбекистонга бошқа хорижий давлатлардан келганлар.

2-Расм.

**Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган
чет эл фуқаролари сонининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши**


(2023 йил январь-октябрь, минг киши)



2023 йил давомида чет эл фуқаролари хизмат сафарлари билан Ўзбекистонга асосан Россия (14,6 минг киши), Тожикистон (12,5 минг киши) ва Туркиядан (11,7 минг киши) келганлар. Ўқиш учун асосан Ҳиндистон (3,8 минг киши), Покистон (1,2 минг киши) ва Тожикистондан (0,6 минг киши) ташриф буюришган. Бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун юртимизга келган чет элликларнинг асосий қисми Россия (157,4 минг киши), Қозоғистон (37,9 минг киши) ва Туркияликлардан (23,3 минг киши) иборат. Тижорат мақсадида амалга оширилган сафарларнинг асосий қисми Тожикистон (10,8 минг киши), Туркманистон (2,4 минг киши) ва Афғонистон (1,7 минг киши) фуқароларидир.

3-Расм.

Халқаро туристларнинг келиши, дунё ва минтақалар⁴



UNWTO Бош котиби Зураб Пололикашвили шундай деди: “Янги йил жаҳон туризмга оптимистик қарашга кўпроқ сабаблар келтиради. UNWTO турли муаммолар, жумладан, иқтисодий вазият ва давом этаётган геосиёсий ноаниқлик шароитида ҳам сектор учун кучли йил бўлишини кутмоқда. Иқтисодий омиллар одамларнинг 2024 йилда саёҳат қилишига та’сир қилиши мумкин ва UNWTO ички ва минтақавий саёҳатларга бўлган талаб кучли бўлиб қолишини ва секторни янада кенгроқ тиклашни қўллаб-қувватлашини кутмоқда⁵. Дунёнинг барча минтақалари 2022-йил январ ойида 2021-йилнинг энг паст кўрсаткичларига нисбатан сезиларли ўсиш кузатилди. Европа (+199%) ва Америка (+97%) энг кучли натижаларни қўйишда давом этди, гарчи халқаро ташрифлар ҳали олдинги даврнинг ярмига яқин бўлса-да, пандемия даражаси (мос равишда -53% ва -52%). Яқин Шарқ (+89%) ва Африкада (+51%) ҳам 2022-йилга нисбатан 2023-йил январиди ўсиш кузатилди, бироқ бу ҳудудларда 2020-


⁴ <https://www.unwto.org/news/tourism-set-to-return-to-pre-pandemic-levels-in-some-regions-in-2023>

⁵ <https://www.unwto.org/news/tourism-set-to-return-to-pre-pandemic-levels-in-some-regions-in-2023>

йилга нисбатан мос равишда 63% ва 69% га пасайиш кузатилди. Осиё ва Тинч океани минтақасида эса 44% қайд этилди. Субминтақаларга кўра, энг яхши натижалар Ғарбий Европада қайд этилган бўлиб, улар 2023-йил январиди 2022-йилга нисбатан тўрт баравар кўп, лекин 2020-йилга нисбатан 58 фоизга кам бўлган. Бундан ташқари, Кариб денгизи (-38%) ва Жанубий ва Ўрта ер денгизи Европа (-41%).) 2019 йил даражасига нисбатан энг тез тикланиш сур'атларини кўрсатди (4-расм).

4-Расм.

Ўзбекистон Республикасига кирувчи ва чиқувчи туризм харажатлари⁶



5-расм.

Ўзбекистон Республикасига сайёҳат мақсадларида келган хориж фуқаролари (тегишли йилнинг январь-декабрь ойлари учун, минг киши)⁷



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сафар мақсадини ўқиш учун деб белгилаганлар сони 8,8 минг кишига (жами келганларнинг 0,2 % и) тенг, тижорат мақсадида келганлар – 20,4

⁶ <https://www.unwto.org/tourism-statistics/key-tourism-statistics>

⁷ Stat.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

минг киши (0,4 %), даволаниш учун – 70,0 минг киши (1,3 %), хизмат сафари учун – 83,8 минг киши (1,6 %), бўш вақт ва дам олиш учун – 392,2 минг киши (7,5 % га тўғри келган). Энг кўп саёҳатларнинг мақсадларига эса қариндошларни йўқлаш деб белгиланганлари – 4 657,6 минг киши (89,0 % га тенг бўлган). Тегишли даврнинг ўтган 2021 йилга нисбатан ўқиш мақсадидаги сафарлар 37,5 % га, хизмат сафарлари 38,1 % га, тижорат мақсадидаги сафарлар 48,9 % га ошган. Даволаниш учун амалга оширилган сафарлар 2,2 бараварга, бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун 2,5 бараварга ва қариндошларни йўқлаш учун 2,9 баробарга ошган. Қуйида келтирилган графиклардан хулоса қилиш мумкинки, 2022 йилда хорижий давлатлардан (МДХ давлатларидан ташқари) хориж фуқаролари мамлакатимизга асосан бўш вақтини ўтказиш ҳамда дам олиш учун – 140,5 минг киши (чет эл давлатларидан (МДХ давлатларидан ташқари) ташриф буюрганларнинг умумий сонидан 53,08 % и), қариндошларини йўқлаш учун – 73,4 минг киши (27,73 %) ҳамда хизмат сафари мақсадида – 37,6 минг киши (14,2 %) ташриф буюрган.

Хулоса ва натижалар

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жараёнлари давом этаётганлигига қарамай айна пайтда халқаро туризм индустрияси ривожланиб, бу айниқса иқтисодиётида туризмнинг ўрни ва салоҳияти юқори мамлакатларда сезиларли ҳолатда кечмоқда ҳамда дунё миқёсида туризм оқимининг мунтазам равишда кўпайиши билан халқаро сайёҳлик экспортига ўз таъсирини кўрсатамоқда. Туризм тармоқлар орасида кам ҳаражат талаб этган ҳолда юқори ялпи қўшилган қийматга эга хизматлар соҳаси сирасига айланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётда туризмни тавсифловчи жамлама кўрсаткичлар, жумладан туризм тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ёки туризмнинг иқтисодиётдаги, яъни ялпи ички маҳсулотдаги улуши, туризм ҳаражатлари ва истеъмолини чуқур таҳлил этиш заруратини юзага келтирди. Бугунги кунда туризм бозорлари хизматини тўлиқ таҳлил этиш учун туризм статистикасини такомиллаштириш, яъни туризмнинг ривожланиш тенденцияларини туризм ёрдамчи ҳисоби орқали миллий ҳисоблар тизими асосида баҳолаш муҳимлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Н.Хайдаров. Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси. Очiq иқтисодиёт: соғлом рақобат, бизнес муҳити инвестицион муҳит жозибadorлиги / Халқаро амалий анжуман / ТДИУ

2. Кабиров И.С. Статистический учет в туризме. Актуальные проблемы экономики и права., 2009., - № 3. – с. 45.
3. <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/10/12-y-Xalqaro-turizm.-Darslik-X.M.Mamatqulov-A.B.Bektemirov-va-bosh.-S-2007-.pdf>
4. <https://www.unwto.org/news/tourism-set-to-return-to-pre-pandemic-levels-in-some-regions-in-2023>
5. <https://www.unwto.org/tourism-statistics/key-tourism-statistics>
6. Stat.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди.